

Ҳайвонларнинг еб бўлмайдиган аъзолари ҳақида

10:33 / 24.03.2017 4180

Ҳанафий мазҳаби бўйича, сўйилган барча ҳайвонлардан қуйидаги нарсаларни емоқ ҳаромдир, улар қуйидагилар:

1. Ҳайвондан оққан қон.
2. Эркак ҳайвоннинг закари.
3. Эркак ҳайвоннинг икки мояги.
4. Урғочи ҳайвоннинг жинсий аъзоси.
5. Ҳайвондаги без.
6. Ўт пуфак.
7. Умуртқа орасидаги ҳаром мағз.

Биринчиси, яъни қон ҳақида Аллоҳ таъоло “Анъом” сураси 145-ояти каримасида шундай марҳамат қилган:

“Менга ваҳий қилинган нарсада таомланувчи учун ҳаром қилинган нарсани топмаяпман. Магар ўлимтик ёки оқизилган қонёки тўнғиз гўшти бўлса, албатта, у ифлос, ҳаромдир...”

Кўриниб турганидек ояти каримада очи-ойдин уни ҳаром эканлиги баён этилмоқда. Шунга кўра барча уламолар қонни ҳаром эканига ижмоъ қилганлар. Уни нафақат истеъмол қилиш, балки уни олди-сотди қилиш ҳам ҳаромдир. Жумладан, бугунги кунда кенг тарқалган донорлик қилиш, яъни пул учун қон топшириш ҳам шаръан нодуруст ишдир. Уни фақат бепул қилсагина шарийъат рухсат беради.

Қолган қисмлари гарчи баъзи фикҳий китобларга ҳаром лафзи ила келган бўлсада, асли ҳаром бўлмай балки макруҳи таҳримийдир. Яъни, ҳаромга

яқин макруҳдир. Чунки қоннинг ҳаромлиги борасидаги ҳукм юқорида айтилганидек Қуръони каримдек мутавотир хабар ила собит бўлган. Қолганлари эса, мутавотир бўлмаган набавий суннатда ворид бўлган. Шунинг учун улар макруҳ дейилган.

Аллоҳ таъоло «Аъроф» сураси 157-оятда Набий соллалоҳу алайҳи васаллам ҳақларида қуйидагича васф қилади:

«Улар ўз ҳузурларидаги Таврот ва Инжилда ёзилган ҳолида топиладиган, уларни яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтарадиган, уларга покиза нарсаларни ҳалол қилиб, нопок нарсаларни ҳаром қиладиган, устиларидаги юкни енгиллатиб, кишанларни ечадиган уммий, Набий, Пайғамбарга эргашадилар.....»

Яъни, Аллоҳ таъоло Набий соллалоҳу алайҳи васалламга ўзларича баъзи нарсаларни ҳалол ёки ҳаром қилиб берадиган хусусият билан ажратиб қўйганлиги васфидир.

Мазкур етти нарса ҳам нопок нарсалардан бўлганлиги боис бу ҳақда Қуръони каримда ҳеч нарса дейилмаган бўлсада, Набий соллалоҳу алайҳи васаллам ўзларининг суннати-мутоҳҳараларида баён қилиб кетганлар.

Бу ҳақдаги ривоятларни эса, буюк муҳаддис уламоларимиздан имом Абдурраззоқ ва имом Санъонийлар “Мусоннаф” номли қитобларида, имом Байҳақий “Сунанул кубро” асарида, имом Суютий “Жомеъус сағир” асарида, имом Тобароний “Муъжамул авсат” асарида, имом Ҳайсамий “Мажмаъуз завоид” асарида ва аллома Ҳиндий “Канзул уммол” асарларида саҳобалардан Абдуллоҳ Ибн Аббос ҳамда Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумо ва тобеъинлардан Мужоҳид розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар.

Ҳадис илми нуқтаси назаридан бу ривоятларнинг ҳар бири алоҳида ўрганилганда гарчи заиф ҳукмини олсада, йўллари кўпайиши сабабли ҳужжат қилишга ярайдиган даражада кучи етарли бўлади. Шунга кўра ҳанафий мазҳаби уламолари бу ҳадислардан ҳукм истинбот қилиб фатво берганлар. Аллоҳ уларнинг барчаларидан рози бўлсин!

Қуйида шу ривоятлардан бирини арабий матнини ўзини келтирамиз:

(يقوهي بل ا ركب وبأل يقوهي بل ا ن نس 2/ 167)

نُبُ دِي زِي يَنْ رَبِّ حَ أَ دَ اشْمَحُ نُبُ يَلَعِ اَنْ تَدَحُ طِفْ اَحْلِلِ هَلْ لِدَبَعِ وُبَا اَنْ رَبِّ حَ اَ 20192 -
نَعَنْ اَيُّ فُسُ نَعِ يَغْ شَأْلِ اَنْ تَدَحُ مُهَتْ دَحْ ثِي لَلِ اِي بَأَنْ بَمِي هَارِبِي اَنْ مَثِي هَلِ ا
هِي لَعِ هَلْ لِي لَصِ - هَلْ لِي اَلْ وُسْرَ اَنْ اَكْ : لِقِدْ دِهْ اَجْمُ نَعِ لِي مَجِ يَبَأَنْ بِلِ لَصِ اَوْ نَعِ يَغْ اَزْ وَاَلِ ا
دُعْ لِ اَوْ اِي حِ لِ اَوْ نِي تَنْ اَلِ اَوْ رَكْ ذَلِ اَوْ رَا رَمْلِ اَوْ مَدَلِ اَغْبَسِ هَشْ لِ اَنْ مِ هَزْ كَيْ - مِلْسِ و
عَطِقْ نُمْ اَدَهْ . اَهْ مَدَقُمْ - مِلْسِ و هِي لَعِ هَلْ لِي لَصِ - هِي لِي لِي اَشْ لِ اَبْ جَعْ اَنْ اَكْ وَاَقْ - هَنْ اَتْمُ لِ اَوْ

Зуфаржон Шосалимов тайёрлади